# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 4

Тошкент шахар "12" 12 2022 йил

Кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган **"Constant Construction" МЧЖ** номидан низом асосида иш кўрувчи Директор **Абдурахмонов У.М** бир томондан ва кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Тошкент шахар Юнусобод тумани **Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган умумтаьлим мактаб-интернати** раҳбари номидан низом асосида иш кўрувчи Ижрочи директор **Туйчиев О.А** иккинчи томонидан. Жорий таъмирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини тузилди.

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1. Пудратчи мазкур шартнома шартномага мувофик **Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган умумтаьлим мактаб-интернати биносини жорий таъмирлаш ишларини** бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2020 йил "___"июлдаги ___-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **130 558 627 (Бир юз ўттиз миллион беш юз эллик саккиз минг олти юз йигирма етти)** сўм ҚҚС билан ташкил этади

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

4. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## III. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддатда таъмирлаш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, вақтинчалик бинолардан ҳамда чиқиндилардан бўшатиш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун майдонини Пудратчига бериш, тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Шартномага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

9. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

10. Пудратчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

11. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан ______ кунни ташкил этади.

## VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

12. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича 30 фоиз аванс ўтказади, бу **39 167 588 (ўттиз тўққиз миллион бир юз олтмиш етти минг беш юз саксон саккиз)** сўмни ташкил этади.

13. Таъмирланаётган объектнинг қолган 65 фоизи тўлови таъмирлаш ишлари тўлиқ тугаллангандан кейин ва объект Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин хисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси асосида амалга оширилади. Қолган 5% эса таъмирланган бинонинг г кафолат муддати ўтгандан кейин 10 календар куни ичида тўлаб берилади.

## VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

14. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг V бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

15. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

16. Таъмирлаш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

17. Таъмирлаш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

18. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

19. Агар Буюртмачи Пудратчи томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

20. Пудратчи таъмирлаш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

21. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## VIII. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

22. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

23. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

24. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

25. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

26. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. ТАЪМИРЛАНИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

27. Таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

28. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

29. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XI. КАФОЛАТЛАР

30. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

31. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 1 йил этиб белгиланади.

32. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат

муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

## XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

33. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

36. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди. Пудратчининг айби ва харакатсизлиги туфайли шартнома бекор бўлганда, Пудратчи 3 календар куни ичида Буюртмачи томонидан ўтказиб берилган аванс тўловини қайтаради ва шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги учун Буюртмачига мазкур шартноманинг 41 бандида белгиланган пеняни Буюртмачининг талабномасига асосан низосиз ва судсиз тўлаб беради.

37. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

38. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

39. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

40. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

41. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган

қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

42. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

43. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

44. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## XV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

45. Ушбу Шартнома тарафлари коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш ва ушбу шартнома бўйича ўз ҳуқуқлари ёки мажбуриятлари муносабати билан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатларни, шу жумладан ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсларга, шу жумладан тижорат ташкилотлари, ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органларига, ҳукумат ходимлари, хусусий компаниялар ва уларнинг вакилларига таклиф, рухсат бериш, ваъда бериш ва ижро этиш тўғрисида қарор қабул қилмаслик мажбуриятини оладилар. Томонлардан бири томонидан ушбу шартноманинг ушбу бандида кўрсатилган мажбуриятларни бузган тақдирда, бошқа томон ушбу шартномани бажаришдан судсиз, бир томонлама воз кечишга ҳақлидир. Томонлар ушбу бандга мувофиқ ушбу шартнома бекор қилган тақдирда бир-бирларига зарарларни қопламайдилар.

46. Томонлар қуйидагиларни эълон қилади ва кафолатлайди:

47. Томонларнинг ҳар бири, шунингдек улар билан боғлиқ шахслар ўз фаолиятларини юқори ахлоқ меъёрларига риоя қилган ҳолда виждонан ва қонуний равишда олиб боришлари керак. Томонлар коррупция, солиқ фирибгарлиги, ҳар қандай шаклда солиқ тўлашдан бўйин товлашда ва бошқа ҳар қандай жиноий ҳаракатлар билан боғлиқ холатларга чидамаслик сиёсатига риоя қилишади ва юқорида айтиб ўтилган масалаларни доимий назорат остида ушлаб турадилар.

48. Томонлар, шунингдек улар билан боғлиқ шахслар: ваколатли шахслар, вакиллар ҳар қандай шаклда коррупция, солиқ фирибгарлиги ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш учун (бевосита ёки билвосита) ҳисса қўшиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолиятда қатнашмасликлари керак.

## XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

49. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, томонлар ўртасидаги мазкур шартномага тегишли бўлган лекин ахамиятсиз бўлган барча олдинги ёзма ва оғзаки ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

50. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

51. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

52. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

53. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди ва 2022 йилнинг 31 декабрига қадар амал қилади.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**“ПУДРАТЧИ”**

**“CONSTANT CONSTRUCTION” МЧЖ**
Адрес: Ташкент вилояти Зангиота тумани
Ўрта Овул МФЙ Ёшлик кўчаси 1 уй
Р/с:20208000500442229001
АТ"Алокабанк" Амалиёт булими
МФО: 00401
**ИНН:** 302963399 **ОКОНХ** 61110

**Директор** ________________

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI ZANGIOTA TUMANI MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
CONSTANT CONSTRUCTION

**“БУЮРТМАЧИ”**

Mirzo Ulug'bek nomidagi davlat
ixtisoslashtirilgan umumta'lim maktab-internati
Adres: yunusobod tuman, Astronomiya ko'chasi 33-uy
Tel.: +99855 5035009 Faks: +99855 5035007
INN: 305464660 OKED:
Sh/r: 1000 1086 0262 6670 92300347001
H/r: 2340 2000 3001 0000 1010

**Ижрочи директор** ________________ **Туйчиев О.А**

ПРОЕКТ ДОКУМЕНТА СООТВЕТСТВУЕТ ТРЕБОВАНИЯМ
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
СОГЛАСОВАННО С ЮРИСТОМ ОБИЛОВА Н.А.
ПОДПИСЬ ________ ДАТА "04" 12.22

**"TASDIQLAYMAN"**

**Mirzo Ulug'bek nomidagi ixtisoslashtirilgan**

**Maktab ijrochi direktori**

**O.A To'ychiyev**

**Mirzo Ulug'bek nomidagi ixtisoslashtirilgan maktab huzuridagi maxsus komissiya yig'ilishining**

**1-sonli BAYONNOMASI**

2022-yil "04" "12" Toshkent shahar

**Qatnashdilar**

**Xayat raisi:** O.A.To'ychiyev – Mirzo Ulug'bek nomidagi ixtisoslashtirilgan maktab direktori

**Xayat a'zolari:**

| | |
|---|---|
| -XIBDO' | M.E Pardayev |
| -Bosh xisobchi | B.S Eshboyev |
| -Kasaba Uyushma raisi | M.Z Toshmatov |
| -Jismoniy tarbiya o'qituvchisi | G.N Xolboyeva |

**Kun tartibi:**

Mirzo Ulugbek nomidagi ixtisoslashtirilgan maktab Mirzo Ulug'bek nomidagi ixtisoslashtirilgan maktab dan chakki tomayotganligi ,maktab kirish qismidagi arkani joriy ta'mirlash bo'yicha 28.11.2022 yil lot 192676-lot bo'yicha 137 307 017 e'lonning yakunlari bo'yicha 01.12.2022 yilda electron bayonnoma rasmiylashtirilib O'zbekiston respulikasi "Davlat xaridlari to'g'risida" gi 2021 yil 22-apreldagi 684-son qonuninig 62-moddasi 3-bandiga asosan 2 ish kuniga muxokamaga qo'yilgan edi

**Yuqoridagilarni xisobga olgan xolda. Xayat:**

2022 yil 1-dekabr kuniga qadar 192676-lot bo'yicha taklif bergan ishtirokchilar tomonidan e'tirozlar kelib tushmaganligi bois, xarid komissiyasining bayonnomasi xamda O'zbekiston Respublikasi **"Davlat xaridlari to'g'risida"** gi 2021 yil 22-apreldagi 684-son qonuninig 62-moddasi 4-bandiga asosan **"CONSTANT CONSTRUCTION" MCHJ** tashkiloti tomonidan 130 558 627 so'm qiymatda berilgan taklif eng yaxshi taklif deb topilgani munosabati bilan Mirzo Ulugbek nomidagi ixtisoslashtirilgan maktab xamda **"CONSTANT CONSTRUCTION" MCHJ** o'rtasida o'rnatilgan tartibda 130 558 627 so'mga 2 nusxada shartnoma imzolanishga qaror qabul qildindi.

**Yuqoridagilardan kelib chiqib, Komissiya qaror qiladi:**

I. Komissiya raisini axboroti ma`lumot uchun qabul qilinsin.
II. Maktabni joriy ta'mirlash amalga oshirilsin.

1. O.A. To'ychiyev - Ijrochi direktor, komissiya raisi
2. M.E. Pardayev - XIBDO' komissiya ma'sul kotibi

**A'zolar:**

3. B.S.Eshboyev - Bosh hisobchi
4. M.Z.Toshmatov - Kasaba uyushma raisi
5. G.N.Xolboyeva - Jismoniy tarbiya o'qituvchisi

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 192676 на приобретение Тошкент шахар Юнусобод тумани Мирзо Улугбек номидаги ихтисослаштирилган мактаб биносининг спорт зали ва 3 кават томини хамда мактабга кириш кисмидаги Аркани смета хужжатлари асоссида жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 01.12.2022

Время рассмотрения 28.11.2022 09:20

Закупочная комиссия Мирзо Улугбек номидаги давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | TO'YCHIYEV OLIMJON ALIJONOVICH | Комиссия раиси | Мирзо Улугбек номидаги давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати |
| **Секретарь комиссии** | KOMILJONOV DONIYORBEK IXTIYOR O'G'LI | Комиссия котиби | Мирзо Улугбек номидаги давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати |
| **Член комиссии** | PARDAYEV MANON ESHMUMINOVICH | Комиссия аъзоси | Мирзо Улугбек номидаги давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати |
| **Член комиссии** | XOLBOYEVA GUZAL NE'MATOVNA | Комиссия аъзоси | Мирзо Улугбек номидаги давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати |
| **Член комиссии** | OMONOV MANSUR MUXTOROVICH | Комиссия аъзоси | Мирзо Улугбек номидаги давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати |
| **Член комиссии** | ERMANOVA DILBARAY AZATBAYEVNA | Комиссия аъзоси | Мирзо Улугбек номидаги давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 01.12.2022 года № лота 192676.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту зданий** |
|---|---|
| Подробное описание | Текущий ремонт здания |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 137 307 017.00 |
| Стартовая сумма | 137 307 017.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Опыт работы по ремонту объектов образования не менее 5 лет

Тип: Текстовое значение

Описание: Участник должен подтвердить наличие опыта по выполнению аналогичных работ не менее 5 лет

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **CONSTANT CONSTRUCTION MCHJ** | 10 | 130558627 | 10 | Экспертная | | |
| **FIRDAVS LOGISTICS MCHJ** | 10 | письмо | 9 | Экспертная | | |

Критерий №2 Прочие затраты подрядчика %

Тип: Текстовое значение

Описание: Не выше статистических показателей адресной регистрации участника. Наибольший балл присваивается наименьшему значению показателя

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **CONSTANT CONSTRUCTION MCHJ** | 5 | 130558627 | 5 | Экспертная | | |
| **FIRDAVS LOGISTICS MCHJ** | 5 | письмо | 4 | Экспертная | | |

Критерий №3 Срок гарантии на строительные материалы и работы, не менее 5 лет

Тип: Текстовое значение

Описание: Срок гарантии на строительные материалы и работы не менее 5 лет

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **CONSTANT CONSTRUCTION MCHJ** | 5 | 130558627 | 5 | Экспертная | | |
| **FIRDAVS LOGISTICS MCHJ** | 5 | гарантийное письмо | 5 | Экспертная | | |

Критерий №4 Показатель затрат труда / чел.часа без учета соц.страха

Тип: Текстовое значение

Описание: Показатель затрат труда / чел.часа без учета соц.страха Наибольший балл присваивается наименьшему значению показателя.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **CONSTANT CONSTRUCTION MCHJ** | 5 | 130558627 | 5 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **FIRDAVS LOGISTICS MCHJ** | 5 | письмо | 5 | Экспертная | | |

Критерий №5 Наличие необходимых финансовых, материальных ресурсов для исполнения договора

Тип: Текстовое значение

Описание: Участник должен предоставить финансовые показатели компании, отчет о финансовых результатах (балансовых отчетов) по Форме 1 и Форме 2 за 2019 - 2021гг., остаток материалов и список машин и механизмов

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **CONSTANT CONSTRUCTION MCHJ** | 5 | 130558627 | 5 | Экспертная | | |
| **FIRDAVS LOGISTICS MCHJ** | 5 | ф-1,ф-2 м список машин механизмов | 4 | Экспертная | | |

Критерий №6 Оборот фирмы

Тип: Текстовое значение

Описание: оборот за последнее 3 года не менее 8 миллиардов

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **CONSTANT CONSTRUCTION MCHJ** | 10 | 130558627 | 5 | Экспертная | | |
| **FIRDAVS LOGISTICS MCHJ** | 10 | письмо | 7 | Экспертная | | |

Критерий №7 Письмо осмотра объекта

Тип: Текстовое значение

Описание: Письмо о том что участник произвел осмотр ремонтируемого объекта, утвержденным со стороны заказчика

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **CONSTANT CONSTRUCTION MCHJ** | 10 | 130558627 | 7 | Экспертная | | |
| **FIRDAVS LOGISTICS MCHJ** | 10 | маълумотнома | 6 | Экспертная | | |

Критерий №8 Наличие необходимые кадры для выполнение работ (не менее 30 чел

Тип: Текстовое значение

Описание: Копия трудовых книжек из сайта my.mehnat.uz

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **CONSTANT CONSTRUCTION MCHJ** | 5 | 130558627 | 5 | Экспертная | | |
| **FIRDAVS LOGISTICS MCHJ** | 5 | Копия трудовых книжек из сайта my.mehnat.uz | 5 | Экспертная | | |

Критерий №9 Квалификационный отбор

Тип: Текстовое значение

Описание: Участник должен предоставить информацию согласно Приложению №1. "Анкета участника/Общая информация об участнике ", Приложению №2. "Гарантийное письмо", Приложению №3. "Заявление по недопущению коррупционных проявлений

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **CONSTANT CONSTRUCTION MCHJ** | 10 | 130558627 | 7 | Экспертная | | |
| **FIRDAVS LOGISTICS MCHJ** | 10 | приложений | 6 | Экспертная | | |

Критерий №10 Транспортные расходы % от стоимости строительных материалов

Тип: Текстовое значение

Описание: Не более 5% Наибольший балл присваивается наименьшему значению показателя.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **CONSTANT CONSTRUCTION MCHJ** | 5 | 130558627 | 5 | Экспертная | | |
| **FIRDAVS LOGISTICS MCHJ** | 5 | письмо | 4 | Экспертная | | |

Критерий №11 Проверка контрагента по сведениям из банка

Тип: Текстовое значение

Описание: Сведения из Банка, с информацией об отсутствии/наличии обязательств перед Банками (кредиты, банковская гарантия, аккредитивы, поручительства), ареста на счете контрагента, либо приостановления операции по счету, либо наложение ареста на определенную денежную сумму по решению органов следствия, дознания, прокуратуры, Департамента судебных исполнителей либо по определению Суда Республики Узбекистан, а также платежных требований по картотеке 1 (Расчетные документы, ожидающие акцепта для оплаты) и картотеке 2 (Расчетные документы, не оплаченные в срок)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **CONSTANT CONSTRUCTION MCHJ** | 10 | 130558627 | 7 | Экспертная | | |
| **FIRDAVS LOGISTICS MCHJ** | 10 | письмо банка | 6 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **CONSTANT CONSTRUCTION MCHJ** | 137 307 017.00 | 130 558 627.00 UZS | 130 558 627.00 | 00.00 | 130 558 627.00 | 22.11.2022 15:38:28 | 19.91443 |
| **FIRDAVS LOGISTICS MCHJ** | 137 307 017.00 | 130 000 000.00 UZS | 130 000 000.00 | 00.00 | 130 000 000.00 | 23.11.2022 21:47:04 | 20 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **CONSTANT CONSTRUCTION MCHJ** | 66 | 19.91443 | 85.91443 |
| **FIRDAVS LOGISTICS MCHJ** | 61 | 20 | 81 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 192676 от 01.12.2022 года на приобретение Тошкент шахар Юнусобод тумани Мирзо Улугбек номидаги ихтисослаштирилган мактаб биносининг спорт зали ва 3 кават томини хамда мактабга кириш кисмидаги Аркани смета хужжатлари асоссида жорий таъмирлаш определила победителем:

CONSTANT CONSTRUCTION MCHJ
302963399

и резервный исполнитель: FIRDAVS LOGISTICS MCHJ (304651840)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | TO‘YCHIYEV OLIMJON ALIJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | PARDAYEV MANON ESHMUMINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XOLBOYEVA GUZAL NE’MATOVNA | Воздержался | Айрим хужжатларида камчиликлар бор |
| **Член комиссии** | OMONOV MANSUR MUXTOROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ERMANOVA DILBARAY AZATBAYEVNA | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

# Yuridik shaxs to`g`risida ma`lumot
# (Ro`yxatdan o`tkazuvchi va vakolatli organlar ma`lumoti asosida shakllantirildi)

Umumiy ma`lumot

| | |
|---|---|
| INN: | 302963399 |
| Ro‘yxatdan o‘tkazuvchi organ: | Tuman (shahar) hokimiyati |
| Davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan sana: | 29.05.2014 |
| Davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan raqami: | 4783 |
| Yuridik shaxsning nomi: | "CONSTANT CONSTRUCTION" mas`uliyati cheklangan jamiyati |
| Tashkiliy-huquqiy shakli: | 152 - Mas‘uliyati cheklangan yoki qo‘shimcha mas‘uliyatli jamiyat |
| IFUT kodi: | 43390 - Boshqa pardozlash ishlari |
| DBIBT kodi: | 79994 - Davlat va xo‘jalik boshqaruvi organlari tarkibiga kirmagan tadbirkorlik sub‘yektlari |
| Kichik tadbirkorlik sub`ektlariga mansubligi: | Ha |
| Faollik holati: | Faoliyat ko'rsatayotgan |
| Ustav fondi: | 109 059 000,00 UZS |

Boshqaruvchi haqida ma`lumot

| | |
|---|---|
| Rahbarning F.I.SH.: | ABDURAXMONOV O‘TKIR MAVLANOVICH |

| | |
|---|---|
| 1. ABDURAXMANOV UKTAM MAVLANOVICH | 100,00 |
| 2. | |
| 3. | |
| 4. | |
| 5. | |

Kontakt ma`lumotlari

| | |
|---|---|
| Elektron pochta manzili: | 994802553@mail.ru |
| Aloqa telefoni: | 994802553 |
| MHOBT kodi: | 1727237558 - Toshkent viloyati, Zangiota tumani, O'rtaovul shaharchasi |
| Ko‘cha, uy, xonadon: | Yoshlik ko'chasi, 1-uy |

09/12/2022 uchun amal axborot